

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ДЖУРАЕВ МУҚИМЖОН ЯҚУБЖОНОВИЧ

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ЧАЛИНГАН ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ
БУҒДОЙДАН СЎНГ ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Джўраев Муқимжон Яқубжонович

Ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда кузги буғдойдан сўнг
такрорий экинлар етиштиришнинг агротехнологияларини
такомиллаштириш..... 3

Джураев Муқимжон Яқубжанович

Усовершенствование агротехнология выращивания повторных
культур после озимой пшеницы на почвах подверженных
ирригационной эрозии..... 21

Djuraev Mukimjon Yakubjonovich

Improvement agro technologies of growing repeated plants after autumn
wheat in soils with irrigation erosion..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ДЖУРАЕВ МУҚИМЖОН ЯҚУБЖОНОВИЧ

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ЧАЛИНГАН ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ
БУҒДОЙДАН СЎНГ ТАҚРОРИЙ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Qx256 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хошимов Иброҳим Набисвич**
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Намозов Фазлиддин Баҳромович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Норқулов Усмонқул
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчиташкилот: **Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28» 02 2019 йил соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «14» 02 да тарқатилди.
(2019 йил «14» 02 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., катта илмий ходим

Д.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида тупроқнинг дефляция ва деградацияга учраши натижасида Шимолий Америкада 95 млн/га, Европада 219 млн/га, Осиёда 747 млн/га, Африкада 494 млн/га экин майдонлари зарар кўрмоқда. Ирригация ва шамол эрозияси, шўрланиш, ифлосланиш, ботқокланиш ҳамда чуқуш жараёнлари таъсирида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда ва тупроқ унумдорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда. Ирригация эрозиясидан дунё бўйича 56 фоиздан ортиқ экин майдонлари турли даражада зарар кўриб, бунинг натижасида 75 млрд/т тупроқнинг унумдор қатлами ювилиш оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 15–20 фоизгача камайишига олиб келмоқда¹.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида суғориладиган майдонларнинг чекланганлигини инобатга олиб, экинларни парваришlashда суғориш меъёрлари, муддатлари ва усулларини ҳар бир тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тўғри белгилаш, суғориш ва минерал ўғитлардан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишга хизмат қиладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланишда кузги бошокли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни жойлаштиришда тупроқларнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини яхшилайдиган, ирригация эрозиясига учраган майдонларда тупроқ заррачаларининг ювилишини камайштиришга, аҳолининг озиқ-овқат ҳамда чорва хайвонларининг ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қиладиган экин турларини танлаш ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамызда суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда аҳолининг озиқ-овқат ва чорвачиликни ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш мақсадида ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги бошокли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экинларни етиштиришда тупроқ заррачаларининг ювилиш миқдорини камайтувчи технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-бандида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларини, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш” муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган². Шу жиҳатдан, республикамыздаги ирригация эрозиясига учраган майдонларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни етиштиришда

¹<http://ancatalog.ucdavis.edu>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

эрозия жараёнларини камайтиришни таъминловчи суғориш усулларини қўллаш орқали тупрокнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикада Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017–2021 йилларда Республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сонли, 2017 йил 1 июлдаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бушаган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3027-сонли, 2017 йил 15 сентябрдаги «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги «Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 105-сонли қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг урганганлик даражаси. Республикамининг ирригация эрозиясига чалинган ерларида уларга қарши кураш чоралари бўйича В.Гуссак, В.Беляев, В.Звонков, А.Гордеев, Қ.Мирзажанов, Н.Беседин, Х.Махсудов, Ш.Нурматов, С.Майлибаев, И.Хошимовлар, шунингдек Я.Бўриев, Б.Халиков, Ф.Хасанова, Ф.Намозов, А.Иминов, И.Қарабаев, А.Мансуровлар қисқа навбатлаб экиш тизимларида кузги бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий дуккакли-дон экинларини етиштириш агротехникаси, экинлар турлари, уларни озиклантириш меъёри, тупрок унумдорлигига ва экинлар ҳосилдорлигига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

Лекин, Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз тупроклари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни парваришда суғориш усулларини минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда тупрок заррачаларининг ювилиши ва такрорий экинлар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг “Дуккакли экинларни такрорий экин сифатида экиб, тупрок унумдорлигини сақлаш, ирригация эрозиясини олдини олиш ҳамда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясини такомиллаштириш” (2007–2011 йй.) ҳамда КХА-7-026-1 «Ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларни экиш, уларни суғориш усуллари ва озика тартибини тупрок унумдорлиги ҳамда ғўза

хосилдорлигига таъсирини ўрганиш» (2009–2011 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экинларнинг суғориш усуллари ва минерал ўғитлар меъёрларини белгилаш ҳамда тупроқнинг унумдор катламнинг ювилишига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориш усуллари ва минерал ўғитлар меъёрларини тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинларни суғориш учун бериладиган сув миқдорларини (хар суғоришда: берилаётган сув, окова суви, тупроқка сингиган сув оркали ювилаётган тупроқ миқдорлари) ўрганиш;

суғориш усуллари ва минерал ўғитлар меъёрларининг окова суви таркибидаги озика моддалар миқдorigа таъсирини аниқлаш;

такрорий экинларнинг ўсиб-ривожланиши ва хосилдорлигига суғориш усуллари ҳамда минерал ўғитлар меъёрлари таъсирини аниқлаш;

ирригация эрозиясига учраган тупроқларда суғориш усуллари ва минерал ўғитлар меъёрларининг такрорий экинлар етиштиришдаги самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган оч тусули бўз тупроқлари, соянинг «Юг–30», мошнинг «Дурдона» ва рапснинг «Элвис» навлари олинган.

Тадқиқот предмети минерал ўғитлар меъёри, суғориш усуллари, тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий ва сув-физик хоссалари ва ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда хосилдорлигига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот усулubi. Тадқиқотларда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Дала тажрибалардан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услубий қўлланмалари ҳамда экинларни парваришlashда суғориш усулларининг иктисодий самарадорлиги Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда кузги буғдойдан сўнг такрорий (соя, мош ва рапс) экинларни экиш, уларни суғориш усуллари ва озика тартибининг тупроқ унумдорлиги ҳамда экинларни ўсиб ривожланиши ва хосилдорлигига таъсири аниқланган;

ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинларни суғоришнинг анъанавий усулига нисбатан ресурстежамкор суғориш усули, яъни суғоришнинг зиг-заг усули оркали сувдан ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиши натижасида эрозия жараёнига таъсири камайиши аниқланган;

ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинларни зиг-заг усулида суғориш оркали тупроқ унумдорлигининг сақланиши ҳамда сув сарфининг камайиши аниқланган;

суғориш усуллари ва озиклантириш меъёрларининг такрорий экинларни ўсиш ва ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинларни зиг-заг усулда суғориш ҳисобига сувдан фойдаланиш самарадорлиги соя экилган вариантларда 5,9 фоизга, мош экилган вариантларда 7,2 фоизга, рапс (сидерат) экилган вариантларда 6,3 фоизга ортган, экин турларига боғлиқ ҳолда эрозия натижасида тупроқ заррачаларининг ювилиши 3,2–4,7 т/га. га камайганлиги аниқланган;

минерал ўғитларнинг йиллик меъёри $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га ҳисобида белгилаб, такрорий экин сифатида мош парваришладша суғоришнинг зиг-заг усули қўлланилганда суғориш меъёри 1493,9 м³/га. ни, тупроққа сингиган сув миқдори 1296,2 м³/га. ни, оқова бўлиб майдондан чиқиб кетган сув миқдори эса 197,8 м³/га. ни ташкил этиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги 7,22 фоизга ортганлиги кузатишган;

минерал ўғитларни $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилиши ҳисобида суғориш усулларига боғлиқ ҳолда соянинг ҳосилдорлиги 7,1–7,2 ц/га, мош 2,9–3,9 ц/га, сидерат сифатида экилган рапснинг кўк масса ҳосилдорлиги 30,0–32,5 ц/га ортган ҳолда зиг-заг усулида суғориш ҳисобида эса соя ва мошнинг дон ҳосили 1,1 центнерга, рапснинг кўк масса ҳосили эса 9,6 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тупланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқлаб ижобий баҳолангани ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, суғоришнинг янги ресурстежамкор усулини қўллаш соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар олинган натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қияликка эга бўлган ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинларни зиг-заг усулда суғорилганда оқова сувининг чиқиб кетиши камайиб, фойдаланиш самарадорлиги ортганлиги, тупроқ заррачалари ювилишини камайтиришга эришилганлиги ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари, минерал ўғит, сув ва ердан самарали фойдаланиш усулларининг илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такрорий экинлардан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда ирригация эрозиясига учраган майдонларда тупроқнинг унумдор қисмининг ювилиши, суғориш сувининг беҳуда сарф бўлишининг олди олиниши, шу билан биргаликда аҳолининг озик-

овкат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда иқтисодий жихатдан самарали агротехнологияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида ирригация эрозиясига қарши суғориш усуллари ҳамда озиклантириш метёрларини қўллаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қўп тармоқли фермер хўжаликлари учун «Ирригация эрозиясига учраган тупроқлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш» бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 02/021-237-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган ерларида кузги буғдойдан кейин такрорий экинларни парваришlash ҳамда суғориш усуллариининг зиг-заг усулидан фойдаланишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экинлар етиштиришнинг агротадбирлари Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги “Марҳаматлик отахон”, “Мингтепа баракаси”, “Юрт чиройи”, “Абдуллаев биродар ерлари” фермер хўжаликларида жами 70,8 гектар майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 02/021-237-сонли маълумотномаси). Натижада тупроқни ирригация эрозиясидан ҳимоя қилиниши натижасида ҳосилдорлик 3–5 центнерга ортган;

ирригация эрозиясига учраган тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экинлар етиштириш бўйича ишлаб чиқилган агротехник тадбирлар Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги “Мирфозил Қорабоев”, “Анваржон ер саховати”, “Султонобод бахт диёри”, “Қақир ерлари”, “Исакова Одинахон файзи” фермер хўжаликларида жами 113,6 гектар майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 02/021-237-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ирригация эрозиясига учраган тупроқларда суғориш сувидан самарали фойдаланиш учун зиг-заг усулда суғорилганда оддий усулга нисбатан сувдан фойдаланиш 12–15 фоиз ортишига, тупроқнинг ювилиши 24–26 фоиз камайишига ҳамда гектаридан 4–5 центнергача қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий анжуманларда 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти тажрибаларни апробацияда ижобий баҳолангани, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозияси ва унга қарши кураш чоралари бўйича илмий тадқиқот натижалари шарҳи» деб номланган биринчи бобида ирригация эрозиясига учраган майдонларда кузги буғдойдан кейин такрорий экинларни суғориш усуллари унинг ҳосилига таъсири тўғрисидаги мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, ирригация эрозиясининг келиб чиқиши, унинг тупроқ унумдорлигига таъсири ва унга қарши курашда эгатлаб ҳамда зиг-заг усули суғоришни қўллаш орқали такрорий экинларни экиш ҳамда минерал ўғитлар меъёрлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга суғориш сувини тежаш тупроқ унумдорлигини сақлаш, тупроқ ва озика элементлари ювилишининг олдини олиш мақсадида суғоришда бериладиган сув миқдори ва меъёрларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Мавзу бўйича олиб борилган изланишлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Андижон вилоятининг қадимдан суғориб келинган, ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз ўрта қумок тупроқларда ирригация эрозиясининг олдини олишда суғоришнинг оддий (эгатлаб) ҳамда ресурс тежамкор суғориш (зиг-заг) усулини қўллаб, тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик ҳоссалари ва мелиоратив ҳолатларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлиги учун ушбу йўналишда тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш услублари ва шароити» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Тадқиқотлар 2009–2011 йилларда тасдиқланган дастур асосида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида, механик таркиби бўйича ўрта қумокли, ирригация эрозиясига учраган, шўрланмаган, сизот сувлари 4–5 метр чуқурликда жойлашган тупроқларда олиб борилгани диссертация матнида баён этилган.

Иклим шароити бўйича мазкур минтақа киши анча совук бўлиб, баҳорда ҳаво ҳарорати тезда кўтарилади, лекин баҳорги совуқлар тез-тез қайтарилиб, қишлоқ хўжалик экинларига муайян зарар етказди. Ёз очик, деярли ёғингарчиликсиз, юқори даражали иссиқ, июль ва август ойларида 40–43°C гача кўтарилади. Куз илик, давомий бўлиб, биринчи совуқлар одатда 20 октябрда тушиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотлар ўтказилган объектнинг иклим шароити Андижон об-ҳаво маркази метеостанцияси кўрсаткичлари билан белгиланади. Тадқиқотлар ўтказилган барча йилларида ёз ва куз ойларида такрорий ҳамда рапс (сидерат) экинларнинг мақбул ўсиб-ривожланиши ҳамда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш учун қулай ҳаво ҳарорати кузатирилганлиги баён этилган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида ўтказилиб, тупроқнинг таркибидаги умумий чиринди миқдори И.Тюрин, азот ва фосфорнинг ҳаракатчан шакллари Гранвальд-Ляжу, В.Мачигин усулида, азот, фосфор, калийнинг ялпи миқдорлари И.Мальцева, Л.Гриценко усулларида, тупроқнинг механик таркиби М.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида, сув ўтказувчанлиги С.Н.Рыжов усулида, умумий ғоваклик Н.А. Качинский усулида, суғориш олди тупроқ намлиги С.Н.Рыжовнинг термостат-тарози усули ёрдамида аниқланган. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов (1985) усулидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги бугдойдан сунг такрорий экинлар экиш, уларни озиклантириш меъёри, суғориш усулларини тупроқ унумдорлиги, экинларни ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроқларининг агрофизикавий, агрохимёвий ҳолати ва такрорий ҳамда рапс (сидерат) экинини суғоришда оддий ва зиг-заг усулларида фойдаланиб, эрозия жараёнлар, экинларнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ирригация эрозиясига учраган майдонларда дастлабки тупроқнинг ҳажм массаси 2009 йилда хайдов (0–30 см) қатламида 1,254 г/см³ ни, 30–50 см қатламда 1,354 г/см³ ни ташкил этган. Кузги бугдойдан кейин такрорий экин сифатида соя экилиб, минерал ўғитлар меъёри N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га миқдорда қўлланилиб, суғоришни зиг-заг усулда олиб борилганда (5-вариант) хайдов (0–30 см) қатламда 1,360 г/см³ ни, хайдов ости (30–50 см) қатламда эса 1,441 г/см³, ғоваклиги эса 47,7; 44,6% бўлгани кузатирилган. Бу натижалар дастлабки кўрсаткичга нисбатан мутаносиб равишда 0,102; 0,085 г/см³ гача ортгани, 4,0; 3,2 фоизгача камайганлиги баён этилган.

Такрорий экин сифатида мош парваришладша, минерал ўғитлар йиллик меъёри N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га миқдорда белгиланиб, суғоришни зиг-заг усулда олиб борилганда хайдов (0–30 см) қатламда 1,302 г/см³ ни, хайдов ости (30–50 см) қатламда эса тупроқнинг ҳажм массаси 1,383 г/см³, тупроқнинг ғоваклиги мос равишда 49,9; 46,8% бўлгани кузатирилган. Бу натижалар дастлабки кўрсаткичга нисбатан мутаносиб равишда 0,048; 0,029 г/см³ гача ортгани, 1,9; 1,1 фоизгача камайиб боргани аниқланган (1-жадвал).

Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда такрорий экинларни экишда уларни сугориш усуллари ва озиклантириш меъёрларини тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигига таъсири (2009 й)

№	Вариант	Тупроқ қатлами, см	Тупроқнинг ҳажм массаси, г/см ³	Тупроқ ғоваклиги, %
1.	Такрорий экин экилмаган	0–30	1,254	50,3
		30–50	1,354	47,6
2.	Такрорий экин соя экилган, оддий усулда сугориш	0–30	1,328	48,9
		30–50	1,414	45,6
3.	Такрорий экин соя экилган, оддий усулда сугориш, N ₅₀ P ₇₅ K ₅₀ кг/га	0–30	1,345	48,3
		30–50	1,424	45,2
4.	Такрорий экин соя экилган, зиг-заг усулда сугориш	0–30	1,356	47,8
		30–50	1,439	44,7
5.	Такрорий экин соя экилган, зиг-заг усулда сугориш, N ₅₀ P ₇₅ K ₅₀ кг/га	0–30	1,360	47,7
		30–50	1,441	44,6
6.	Такрорий экин мош экилган, оддий усулда сугориш	0–30	1,332	48,5
		30–50	1,421	45,4
7.	Такрорий экин мош экилган, оддий усулда сугориш, N ₅₀ P ₇₅ K ₅₀ кг/га	0–30	1,329	48,9
		30–50	1,410	45,8
8.	Такрорий экин мош экилган, зиг-заг усулда сугориш	0–30	1,314	49,5
		30–50	1,395	46,3
9.	Такрорий экин мош экилган, зиг-заг усулда сугориш, N ₅₀ P ₇₅ K ₅₀ кг/га	0–30	1,302	49,9
		30–50	1,383	46,8

Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги бугдойдан сўнг экилган такрорий экинлар етиштириш тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири аниқланиб, такрорий рапс (сидерат) экини экилганда 0–30 см қатламда 1,343 г/см³ ни ташкил этиб, дуккакли-дон экинлари етиштирилганда 0,010–0,068 г/см³ га камайиши, тупроқнинг ғоваклиги 1,0–1,5 фойзга яхшиланиши кўрсатиб ўтилган (2-жадвал).


Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда рапс (сидерат) экинини экишда уларни сугориш усуллари ва озиклантириш меъёрларининг тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигига таъсири (2009 й.)

№	Вариант	Тупроқ қатлами, см	Тупроқнинг ҳажм массаси, г/см ³	Тупроқ ғоваклиги, %
1.	Рапс (сидерат) экилган, оддий усулда сугориш, N ₁₀₀ P ₇₀ K ₅₀ кг/га	0–30	1,340	48,6
		30–50	1,419	45,4
2.	Рапс (сидерат) экилган, оддий усулда сугориш, N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ кг/га	0–30	1,342	48,5
		30–50	1,371	45,4
3.	Рапс (сидерат) экилган, зиг-заг усулда сугориш, N ₁₀₀ P ₇₀ K ₅₀ кг/га	0–30	1,343	47,7
		30–50	1,440	44,6
4.	Рапс (сидерат) экилган, зиг-заг усулда сугориш, N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ кг/га	0–30	1,344	47,3
		30–50	1,451	44,2

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги буйича илмий изланишлар олиб борилиб, бунда кузги бугдойнинг ҳосилини йиғиштириб олингандан сўнг, майдонга такрорий экин экилмасдан факат кора шудгор қилинган вариантимида

биринчи соатда $646 \text{ м}^3/\text{га}$ сув шимилган бўлса, 6 соат ичида жами $1020 \text{ м}^3/\text{га}$ сув ўтказилиши баён этилган.

Такрорий экин сифатида соя парваришlashда минерал ўғитларнинг йиллик меъёри $\text{N}_{50}\text{P}_{75}\text{K}_{50}$ кг/га белгиланиб, оддий суғориш усуллари қўлланилган ушбу кўрсаткич 3-вариантда 1-соатда $514 \text{ м}^3/\text{га}$. ни, жами 6 соатда эса $832 \text{ м}^3/\text{га}$. ни, шундай фонда фақат суғоришнинг зиг-заг усули қўлланилган вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлик кўрсаткичлари мос равишда $536; 874 \text{ м}^3/\text{га}, 493; 884 \text{ м}^3/\text{га}$ шимилганлигини ташкил этиб, оддий суғориш усули қўлланилган вариантларга нисбатан $42,0\text{--}52,0 \text{ м}^3/\text{га}$. гача юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).




1-расм. Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда такрорий экинлар етиштиришни тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири, (жами 6 соатда, $\text{м}^3/\text{га}$).

Олиб борган илмий изланишларимизда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги такрорий экин–мош парваришlashда суғоришнинг оддий усули қўлланилган, минерал ўғитларни йиллик меъёри $\text{N}_{50}\text{P}_{75}\text{K}_{50}$ кг/га белгиланган 7-вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда $555; 896 \text{ м}^3/\text{га}$. ни ташкил этиб, суғоришнинг зиг-заг усули қўлланилиб, минерал ўғитларнинг йиллик меъёри $\text{N}_{50}\text{P}_{75}\text{K}_{50}$ кг/га қўлланилган 9-вариантда 1-соатда $787 \text{ м}^3/\text{га}$.га, жами 6 соатда $960 \text{ м}^3/\text{га}$.га тенг бўлганлиги баён этилган.

Такрорий экин сифатида рапс (сидерат) экинини парваришlashда минерал ўғитлар $\text{N}_{100}\text{P}_{70}\text{K}_{50}$ кг/га меъёрда белгиланиб, оддий суғориш усуллари қўлланилган 1-вариантда 1-соатда $472 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этган бўлса, 6 соатга бориб жами $703 \text{ м}^3/\text{га}$, суғоришнинг оддий усули қўлланилган, минерал ўғитларни йиллик меъёри $\text{N}_{200}\text{P}_{140}\text{K}_{100}$ кг/га белгиланиб, рапс экини парваришланган 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда $506; 783 \text{ м}^3/\text{га}$ сув ўтказилиши баён этилган.

Рапс (сидерат) экини парваришlashда минерал ўғит $\text{N}_{100}\text{P}_{70}\text{K}_{50}$ кг/га беланилиб, суғоришни зиг-заг усулидан фойдаланганимизда (3-вариант) 1-соатда $523,5 \text{ м}^3/\text{га}$ ни, жами 6 соатда эса $804,0 \text{ м}^3/\text{га}$ гача тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Суғоришни зиг-заг усулидан фойдаланиб минерал ўғитларни йиллик $\text{N}_{200}\text{P}_{140}\text{K}_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилаган 4-вариантимизда 1-соатда $559,0 \text{ м}^3/\text{га}$ ни, жами 6 соатда $837,0 \text{ м}^3/\text{га}$ тенг бўлганлиги кузатилади (2-расм).



2-расм. Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда рапс (сидерат) экинини етиштиришда тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири, (жами 6 соатда, м³/га).


Олиб борган изланишлар натижасига кўра, такрорий экинлар парваришладда минерал ўғитлардан фойдаланиб, суғоришни зиг-заг усули қўлланилганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бошқа суғориш усули қўлланилган вариантларга нисбатан 134–223 м³/га. гача кўп бўлгани билан изоҳланган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги бўғдойдан сўнг такрорий экинлар етиштиришни тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири» деб номланган бўлимида ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги бўғдойдан сўнг такрорий экинлар экилмаган вариантда гумус миқдори (0–30 см)ни парчаланиши ва бошқа табиий омиллар таъсирида камайган. Соя экилиб, суғоришнинг оддий ҳамда зиг-заг усули қўлланилган вариантларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори таъсири сезилмаган, соя экилиб суғориш оддий ҳамда зиг-заг усулида олиб борилиб ва минерал ўғитлар қўлланилган вариантларини ҳайдов қатламида 0,006 фоизга, мош экилиб суғориш оддий ҳамда зиг-заг усули қўлланилган вариантларининг ҳайдов қатламида 0,006 фоизга, мош экилиб суғориш оддий ҳамда зиг-заг усулида олиб борилиб ва минерал ўғитлар қўлланилган вариантларини ҳайдов қатламида 0,004 фоизга ортган, рапс (сидерат) экинни экилганда ушбу экинни озикага бўлган талаби юқорилиги сабабли суғориш усули оддий вариантларининг ҳайдов қатламида 0,003 фоизга, суғориш зиг-заг усулида олиб борилган вариантларини ҳайдов қатламида 0,002 фоизга камайганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда такрорий экинларни суғориш усуллари мавсумий суғориш ва эрозия жароёнларга таъсири» деб номланган бўлимида суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлиги, суғориш натижасида тупроқнинг ва оқова сув билан озика унсурларининг ювилиши изоҳланган. Суғориш сувларидан фойдаланиш самарадорлиги такрорий соя экилиб, оддий усулда суғорилганда 77,15–77,17 фоизни ташкил этган бўлса, зиг-заг усулда суғорилганда суғориш сувларидан фойдаланиш самарадорлиги 5,97 фоизга, мош ўсимлигини оддий усулга нисбатан зиг-заг усулда суғорилганда сувидан фойдаланиш самарадорлиги 7,22 фоизга ортганлиги аниқланган. Такрорий мош бир мартаба кам суғорилиши ҳисобига соя экинини суғоришга нисбатан суғориш


усулига боғлиқ ҳолда 714,7–952,7 м³/га иқтисод қилинган. Рапс (сидерат) экини соя ва мош экинларига нисбатан сувга бўлган талаби юқори бўлганлиги сабабли кўпроқ сув сарфланганлиги аниқланган. Рапс (сидерат) экини оддий усулда суғорилганда мавсум давомида 2501,4 м³/га сув берилган бўлса, тупроққа 2008,7 м³/га сув сингиб, оқовага 492,7 м³/га чиқиб кетганлиги баён этилган.

Такрорий экинларни суғориш натижасида тупроқ заррачаларининг энг юқори ювилиши такрорий соя оддий усулда суғорилганда 11,3 т/га. ни ташкил этганлиги аниқланган. Оддий усулда суғорилганга нисбатан озиклантириш меъёрига боғлиқ ҳолда зиг-заг усулда суғорилганда сояда 2,496–2,590 т/га, мошда 1,950–1,998 т/га тупроқ заррачалари ювилиши камайганлиги қайд этиб ўтилган (3-расм).



3-расм. Соя ва мош экинларини суғориш натижасида тупроқ заррачаларининг ювилиши, т/га

Такрорий экинларни суғориш натижасида тупроқ заррачаларининг энг юқори ювилиши рапс экинини оддий усулда суғорилганда 10,797 т/га. ни ташкил этганлиги аниқланган. Оддий усулда суғорилганга нисбатан озиклантириш меъёрига боғлиқ ҳолда зиг-заг усулда суғорилганда рапс экинида 3,200–3,164 т/га тупроқ заррачалари ювилиши камайганлиги қайд этиб ўтилган (4-расм).



4-расм. Рапс экилган майдонда тупроқ заррачаларининг ювилиши, т/га

Тадқиқот майдонида такрорий экин сифатида мош парваришда зиг-заг суғориш усули қўлланилиб, минерал ўғит берилмаган 8-вариантда жами икки

суғоришда суғориш меъёри 1509,9 м³/га. ни, тупрокка сингиган сув миқдори 1309,8 м³/га. ни, майдондан чиқиб кетган оқова сув миқдори эса 200,1 м³/га. ни ташкил этганлиги аниқланган. Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га ҳисобида белгилаб, такрорий экин сифатида мош парваришда суғоришнинг зиг-заг усули қўлланилганда суғориш меъёри 1493,9 м³/га. ни, тупрокка сингиган сув миқдори 1296,2 м³/га. ни, оқова бўлиб майдондан чиқиб кетган сув миқдори эса 197,8 м³/га. ни ташкил этиб, ушбу экин турида ҳам зиг-заг усулда суғорилганда суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлиги 7,22 фоизга ортганлиги келтирилган.

Олиб борган илмий изланишларимизда экинларни суғоришда оқова сув орқали тупроқдан NPKни оқиб чиқишини ўрганганимизда такрорий экин сифатида соя парваришланганда, суғоришнинг оддий усулидан фойдаланиб, минерал ўғит берилмаган 2-вариантимизда биринчи суғоришда 0,640 мг/л миқдорда азот, 0,476 мг/л фосфор ҳамда 1,846 мг/л калийни, шундай фонддан фойдаланилиб, суғоришнинг зиг-заг усулидан фойдаланилган 4-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 0,619; 0,395; 1,825 мг/л. ни, минерал ўғитлардан N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га миқдорда фойдаланиб, суғоришнинг оддий усули қўлланилган 3-вариантда 0,670; 0,520; 1,850 мг/л. ни, 5-вариантда эса 0,630; 0,405; 1,828 мг/л. ни ташкил этиши баён қилинган.


Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда қузғи бугдойдан сўнг такрорий экинларни суғориш усуллари ва минерал ўғитлар меъёрини ўсиш, ривожланиш ҳамда ҳосилдорлиги» деб номланган бўлимида гектар ҳисобида N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га минерал ўғитлари берилиб, суғоришни зиг-заг усули қўлланилган вариантда такрорий экин–соя ўсимлигининг бўйи 1 октябрда 68,6 см. ни ташкил этиб, суғориш усуллари бири-бирига таққосланганда, зиг-заг усулида суғорилганда оддий усулга нисбатан ўсимлик бўйи 11,0 см юқори булганлиги аниқланган.

Такрорий экин сифатида мош парваришланган майдонда ҳам юқори натижа олиниб, ўсимликнинг бўйи 61,7 см. ни ташкил этиб, суғоришнинг зиг-заг усулидан фойдаланилиши ҳисобига такрорий экин–мошнинг бўйи баландлиги бошқа усулга нисбатан 3,3–2,3 см. гача юқори бўлиши баён этилган.

Тадқиқотларимизда 1 октябрь ҳолатига суғоришнинг оддий усулида суғорилиб, минерал ўғитлар қўлланилмаган вариантда бир туп соя ўсимлигидаги дуккаклар сони 23,1 донани ташкил қилган. Минерал ўғитлар N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га меъёردа қўлланилган вариантда эса 25,4 донани ташкил этган бўлса, ўғит қўллаш ҳисобида дуккаклар сони 2,3 донага, суғоришнинг зиг-заг усулига мос равишда 0,4–1,3 донагача ортганлиги аниқланган. Такрорий экин сифатида парваришланган мош ўсимлигида эса суғоришнинг оддий усулидан фойдаланиб, минерал ўғитлар қўлланилмаган вариантда 19,8 донани ташкил қилган бўлса, худди шундай усулдан фойдаланиб, фақат минерал ўғит N₅₀P₇₅K₅₀ кг/га меъёрдa қўлланилган вариантда 32,1 донани ташкил этиб, минерал ўғитлар ҳисобига 12,3 донагача фарқланганлиги кузатишган. Суғоришни зиг-заг усулидан фойдаланиб минерал ўғит қўлланилмаган вариантда эса 21,3 донa

булиб, минерал ўғит $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилганга нисбатан 12,6 донгача кам бўлганлиги аниқланган.

Такрорий экин сифатида парваришланган соя майдонидида минерал ўғитларни йиллик меъёри гектарига $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг қўлланилиб, экинлар оддий усулда суғорилганда 20,6 ц/га, зиг-заг усулида суғорилганда эса 21,7 ц/га дон ҳосили олинган.



$HCP_{05}=1,3$ ц/га $HCP_{05}=7,44$ %
 $HCP_{05}=0,39$ ц/га $HCP_{05}=2,09$ %

5-расм. Суғориш ва минерал ўғитлар меъёрларини такрорий экинларнинг дон ҳосилдорлигига таъсири (2009 й).

Минерал ўғитлар меъёри бир хилда бўлиб, суғоришнинг икки усулидан фойдаланилганда 1,1 ц/га, минерал ўғитлар ҳисобига қўшимча ҳосилдорлик эса 7,9–6,9 ц/га. ни ташкил этган. Такрорий экин сифатида мош парваришланиб, минерал ўғитлардан фойдаланиб, зиг-заг усулида суғорилганда эса 21,9 ц/га дон ҳосили олинган. Олинган натижаларга асосан суғоришнинг зиг-заг усулига нисбатан оддий усулда суғориш усули қўлланилган вариантларда мошнинг дон ҳосилдорлиги 1,8–3,7 ц/га. га кам бўлиши аниқланган (5-расм)

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги бугдоддан сўнг такрорий экинлар етиштиришни иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида такрорий соя етиштиришда энг юқори кўрсаткич сояни минерал $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда озиклантирилиб, суғоришлар зиг-заг усулда олиб борилганда соф фойда 801275 сўм/га. ни ташкил этиб, рентабеллик 41,5 фоизни, худди шундай фонда фақат такрорий экин сифатида мош парваришланганда соф фойда 500303 сўм/га. ни, рентабеллик 32,9 фоизни ташкил этган бўлса, зиг-заг усулда суғорилиши натижасида ўғит қўлланилмаган вариантлардан 14,1 фоизга, минерал ўғит қўлланилган вариантларда рентабеллик кўрсаткичи 5,5 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган (3-жадвал).

Sanjivani
 Res. markazi
 Inv No. 19247

Ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинлар етиштиришнинг иктисодий самарадорлиги

Варинат раками	Ҳосилдорлик, ц/га	Сотишдан тушган маблағ, сўм/га	Ишлаб чиқариш харажати, сўм	Шартли соф фойда, сўм/га	Рентабеллик, %
1					
2	10,9	1090000	885575	204425	18,8
3	18,2	1820000	1128725	691275	38,0
4	12,2	1220000	885575	334425	27,4
5	19,3	1930000	1128725	801275	41,5
6	13,3	1064000	864234	199766	18,8
7	18,2	1456000	1007384	448616	30,8
8	15,1	1208000	876547	331453	27,4
9	19,0	1520000	1019697	500303	32,9

Ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинлар етиштиришнинг иктисодий самарадорлиги

Варинат раками	Ҳосилдорлик, ц/га	Сотишдан тушган маблағ, сўм/га	Ишлаб чиқариш харажати, сўм	Шартли соф фойда, сўм/га	Рентабеллик, %
1	168,9	1266750	971034	295716	23,3
2	199,0	1492500	1198438	294062	19,7
3	176,1	1320750	971034	349716	26,5
4	208,6	1564500	1198438	366062	23,4

Ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз тупроқлар шароитида юкори иктисодий самарадорликка эришиш учун такрорий дуккакли-дон (соя, мош) экинларини $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га микдорда минерал ўғитлар билан озиклантириш, суғоришларни зиг-заг усулини қўллаш иктисодий жиҳатдан самарадорлиги кайд этилган.

Диссертациянинг “Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари” деб номланган бешинчи бобида, дала шароитида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотларга хулоса берилган. Ишлаб чиқаришда тажрибалар 2013–2015 йилларда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги “Қақир ерлари”, “Султонобод бахт ерлари”, Марҳамат туманидаги “Мингтепа баракаси”, “Абдуллаев Биродар ерлари” фермер хўжалиklarининг қадимдан ирригация эрозиясига учраган оч тусли бўз тупроқлари шароитида $2,5^0$ княликка эга бўлган майдонларида амалга оширилган.

Тажрибада кузги бугдойдан кейин такрорий экин—соя ва мошга минерал ўғитлар $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, суғоришлар оддий ва зиг-заг усулда ўтказилган.

Ирригация эрозиясига чалинган тупроқларда такрорий экинларни соф ҳолда гектар хисобига $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га қўлланилиб, суғоришлар зиг-заг усулда ўтказилганда такрорий экинларнинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Зиг-заг усулда суғорилганда суғориш сувлари тезлигининг камайиши, суғориш натижасида тупроққа сингган сув миқдорининг ортиши, тупроқ заррачаларининг ювилиши ва озика унсурларининг йўқотилишини камайиши натижасида такрорий соя ва мош ўсимлигининг ўсиб-ривожланиши яхшиланиб, бўйи 2,7–5,1 см.га, дуккақлар сояи 2,2–3,0 донага юқори бўлганлиги қайд этилганлиги билан изоҳланади.

Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда такрорий экинларга минерал ўғитлар $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрида қўлланилиб такрорий экинларни оддий усулда суғорилганда соядан 17,7 центнер соя дони, 16,3 центнер мош етиштирилган бўлса, зиг-заг усулида суғорилганда 1,2–1,3 центнер, рапс (сидерат) экинига минерал ўғитлар меъёрини камрок $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га қўлланилганда 170,4 ц/га кўк масса ҳосили олинган бўлса, энг юқори кўк масса ҳосили (210,7 ц/га) минерал ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га миқдорда қўлланилганда олинган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда кузги буғдойдан кейин экилган такрорий ҳамда рапс (сидерат) экини етиштиришда тупроқнинг агрофизик ҳоссалари дастлабки натижаларига нисбатан бироз ўзгаргани кузатилган. Такрорий ҳамда рапс (сидерат) экини экилганда ҳайдов (0–30 см) қатламда тупроқнинг ҳажм массаси $1,343 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этиб, дуккакли-дон экинлари етиштирилганга нисбатан $0,010\text{--}0,068 \text{ г/см}^3$ гача камайиб, тупроқнинг ғоваклиги 1,0–1,5 фоизгача яхшиланиши таъминланган.

2. Тупроқ ҳажм массасининг ортиши бевосита сув ўтказувчанлигининг камайишига олиб келади. Жумладан, суғоришнинг зиг-заг усули қўлланилганда оддий усулда суғоришга нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 8,5–12,2 $\text{м}^3/\text{га}$ ортганлиги кузатилган.

3. Ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойнинг ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг, соя экилиб суғоришнинг оддий ҳамда зиг-заг усуллари қўлланилиб, минерал ўғитларни йиллик меъёри $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантда тупроқнинг гумус миқдори ҳайдов (0–30 см) қатламида 0,006 фоизга, мош экилганда эса 0,004 фоизга ортган.

4. Суғориш сувларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари такрорий экин сифатида соя парваришланганда, суғоришнинг оддий усули қўлланилганда 77,15–77,17 фоизни ташкил этган бўлса, суғоришни зиг-заг усули қўлланилганда эса оддий суғориш усулига нисбатан 5,97 фоизгача ортган. Такрорий экин сифатида мошни амал даври мобайнида зиг-заг усулида суғориб парваришланганда, оддий усулга нисбатан 7,22 фоизгача ортиши кузатилган. Рапс (сидерат) экини дуккакли-дон экинлари соя ва мошга нисбатан сувга бўлган талаби юқори бўлганлиги сабабли, оддий усулда суғорилганда мавсум давомида $2501,4 \text{ м}^3/\text{га}$ сув берилган бўлса, тупроққа 2008,7 $\text{м}^3/\text{га}$ сув сингиб, оқовага $492,7 \text{ м}^3/\text{га}$ чиқиб кетганлиги аниқланди.

5. Такрорий экинларни суғориш натижасида тупрок зарраларини энг юқори ювилиши уч йилда ўртача такрорий экин сифатида парваришланган соя оддий усулда суғорилганда 11,867 т/га. ни ташкил этиб, зиг-заг усулида суғорилганда оддий усулга нисбатан соя майдонида 2,696–2,726 т/га, мош экилган майдонда 2,023–2,045 т/га, рапс (сидерат) экини парваришланган майдонда 3,078–3,113 т/га тупрок заррачалари ювилиши камайганлиги аниқланди.

6. Такрорий экин сифатида соя парваришланганда ўсимликлар бўйининг баландлиги оддий усулда суғорилиб, минерал ўғит қўлланилмаган вариантда 49,6см. ни ташкил этиб, минерал ўғитлар қўлланилиши ҳисобига 7,6–11,2см. гача, суғоришни зиг-заг усулида суғорилиши ҳисобига эса 4,4–7,9см гача юқори бўлганлиги кузатилган. Мош ўсимлигида эса минерал ўғитлар қўлланилиб, зиг-заг усулида суғорилганда юқори натижа (62,6см) олинган. Рапс (сидерат) экинида энг юқори (102,8см) натижа минерал ўғитларнинг юқори меъёри қўлланилганда кузатилди.

7. Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда такрорий экин сифатида соя парваришладша минерал ўғит қўлланилмай оддий усулда суғорилганда жами 10,9 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, минерал ўғитлар $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилганда эса қўшимча 7,9 ц/га ҳосил тўпланган бўлиб, суғориш зиг-заг усулида амалга оширилганда эса 1,1–2,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган. Мош етиштирилган вариантларда эса юқори ҳосилдорлик 21,9 ц/га минерал ўғитлар билан таъминланганда ва суғоришни зиг-заг усули қўлланилганда қайд қилинди. Рапс экинига минерал ўғитлар меъёрини камрок $N_{100}P_{70}K_{50}$ кг/га қўлланилганда 170,4 ц/га кўк масса ҳосили олинган бўлса, энг юқори (210,7 ц/га) кўк масса ҳосили зиг-заг усулида суғорилиб, минерал ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га миқдорда қўлланилганда бўлганлиги кузатилди.

8. Тажрибада такрорий экин сифатида соя экилиб, $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилган ва зиг-заг усулда суғорилганда шартли соф фойда 801275 сўм/га. ни ташкил этиб, рентабеллик 41,5 фоизга тенг бўлган. Такрорий экин сифатида экилган мошга минерал ўғитлар ($N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га) қўлланилиб, суғоришда зиг-заг усулидан фойдаланилганда шартли соф фойда 500303 сўмни, рентабеллик 32,9 фоизни ташкил этиб, бошқа вариантларга нисбатан рентабеллик даражаси 14,1 фоизга ортганлиги аниқланди.

9. Республикамизнинг ирригация эрозиясига учраган тупроқлари шароитида, тупроқнинг унумдор қатламини ювилишдан сақлашда ва такрорий соя ва мош экинларидан юқори ҳосил олишда қўлланилган $N_{50}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрдаги минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширишда ҳамда зироатларни мавсумий суғориш сувларидан самарали фойдаланишда суғоришнинг ресурстежамкор зиг-заг усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

ДЖУРАЕВ МУКИМЖОН ЯКУБЖАНОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ПОВТОРНЫХ КУЛЬТУР ПОСЛЕ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ НА ПОЧВАХ
ПОДВЕРЖЕННЫХ ИРРИГАЦИОННОЙ ЭРОЗИИ**

06.01.01 – Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.PhD/Qx256.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Андижанском филиале Ташкентском государственном аграрном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.zivonet.uz.

Научный руководитель:	Хошимов Иброхим Набиевич кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Намозов Фазлиддин Бахромович доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
	Норкулов Усмонкул доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Защита состоится « 28 » 02 2019 года в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, М.Ф.Й Ботаника, ул. УзПИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № 48). адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан « 14 » 02 2019 года
(реестр протокола рассылки № 1 от 14 02 2019 года)



Ш. Нурматов
Ш.Нурматов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор

Ф.М. Хасанова
Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
старший научный сотрудник

Д.Х. Ахмедов
Д.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. На сегодняшний день в мире сельскохозяйственные земли в последствии дефляции и деградации, в частности в Северной Америке 95 млн.га, в Европе 219 млн.га, в Азии 747 млн.га, в Африке 494 млн.га посевным площадям приносит урон. Под воздействием процессов ирригационной и ветровой эрозии, засоления, загрязнения и заболачивания, мелиоративное состояние земель ухудшается, что приводит к снижению плодородия почв. По всему миру в различной степени пострадали от ирригационной эрозии более 56% посевных площадей, в результате 75 млрд. тонны смыто плодородного слоя почвы, что привело к снижению плодородия, а также к снижению производства сельскохозяйственной продукции на 15–20%¹.

В мировой практике сельского хозяйства, принимая во внимание ограничения поливных площадей при возделывании культур и исходя из почвенно-климатических условий необходим правильный подход к разработке методов эффективного пользования воды и минеральных удобрений, за счет чего особое внимание уделяется исследованиям по сохранению и повышению плодородия почв. Поэтому для эффективного использования поливных земель, подверженных ирригационной эрозии, освободившихся из под зерновых культур, размещение повторных культур, улучшает агрофизические и агрохимические свойства почвы, способствует уменьшению вымывания почвенных частиц, полному удовлетворению населения в продуктах питания, а животноводство кормами, при этом подбор культур и усовершенствование агротехнологий их выращивания остается одним из актуальных вопросов.

